

# Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил  
11 сентябрь,  
жума  
№ 33 (806)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ этиш орқали кўплаб амалий натижаларга эришилди. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар, парламентга тақдим этилган Мурожаатномалар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси бугунги кунда Ўзбекистонда одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқишида асосий дастуриламал бўлди.



## Гендер тенглик

судьялар орасида ҳам таъминланиши чоралари кўрилмоқда

Жорий йил 30 июнь куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, суд-ҳуқуқ соҳасида мавжуд айрим камчиликлар очик-ошкора кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ислохларнинг устувор йўналишлари атрофида муҳофиза қилинди. Президентимиз томонидан судьялар орасида гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди

ва Судьялар олий кенгашига аниқ вазифа берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Гендер тенглик, яъни эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу омил энг юқори даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётнинг ҳам негизидир.

Мутахассисларнинг фикрича, фақат эркаклардан иборат жамоага нисбатан 50/50 фоиз эркак ва аёллардан иборат меҳнат жамоалари, айниқ-са, агар улар ақлий меҳнат билан банд бўлса, бир неча баробар юқори натижа кўрсатар экан. Қолаверса, гендер тенглик — бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор. Гендер тенглик — бу нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқларининг ифодаси, балки тинчлик, фаровонлик ва барқарор ривожланишга эришишнинг зарур асоси ҳамдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, аёлларни турли масъулиятли лавозимларга тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада аёлларимиз депутат, сенатор, ҳоким, элчи, прокурор, судья, солиқчи каби фахрли лавозимларда меҳнат қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда турли даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида, шу жумладан, вазирлик ва идораларда, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида 1 минг 500 нафардан ортик

хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида, 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги вақтда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик ишига тайинланган бўлса, яна 6 нафар аёл ҳокимлик лавозимини эгаллади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Судья, суд ходими ҳалоллик, поклик, ҳолислик сингари фазилатларга эга бўлиши судлар фаолиятини такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш, юксак демократик тамойиллар сари етаклаш, очиклик, ошкоралик, шаффофлик, адолат, одиллик ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

## Хабар

### Ҳалолликда ҳикмат кўп

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти, шаҳар ва туманлар суд тизими ходимлари билан ўтказилган очик мулоқотда ана шулар хусусида атрофлича фикр юритилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши раиси Х.Едгоров иштирок этиб, мамлакатимизда суд соҳаси кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш бўйича амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти, амалиётга жорий қилинган таъсирчан ва самардор тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

## Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш — одил судловга эришиш имконини оширади

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ва тизимли ислохларнинг туб замирида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда кафолатли таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришиш гоёяси мужассам.



Президентимизнинг 2020 йил 3 сентябрда қабул қилинган "Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам шу улғувор гоёяни ҳаётиимизга чуқур таътиқ этишга қаратилган. Қарорда белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда эркинлаштириш учун шароит яратилади.

Куйида ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида судьяларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Шамиддин ТОЖИБЕВ,  
Олий суд судьяси:

— Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви, уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли, асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бу

амалиёт бугунги ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган шароитда судлар фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг қарори суд органлари фаолиятини бугунги тезкор замон талаблари асосида такомиллаштиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари белгилаб берилган:

**Биринчидан**, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилиши таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

**Иккинчидан**, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинлиши таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

**Учинчидан**, махсус ахборот дастурла-

рини жорий этиш орқали судьялар ҳам-жамияти органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

**Тўртинчидан**, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

**Бешинчидан**, суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни ку-чайтириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорда назарда тутилган вазифалар фақатгина фуқаролар ёки тадбиркорларга қулайлик яратиб қолмасдан, ўз навбатида, судья ва суд тизими ходимларига ҳам кўплаб энгилликлар туғдиради. Энг муҳими, суд органлари фаолиятида процессуал қонунлар талаблари бузилмаслигига қатъий риоя қилиш вазифасини юклайди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси бугун, 2020 йил 11 сентябрь куні соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида видеоконференция тарзида бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга энгиллик ва қулайликлар жорий этиш мақсадида, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш, турли рухсатномалар, лицензиялар олиш тартиб-қоидалари босқичма-босқич содаллаштирилмоқда. Натижада лицензия ва махсус рухсатнома талаб этиладиган фаолият турлари сони кескин қисқартирилмоқда.

## Лицензия ва рухсат бериш соҳасидаги янгиликлар: тўрт долзарб саволга жавоблар



Президентимиз томонидан 2020 йил 24 августда қабул қилинган "Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда бугунги вазиятда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш борасида айнан ана шу тартибларни қайта кўриб чиқиш ва имкон қадар қисқартиришга доир вазифалар белгилаб берилган. Фармонга кўра, биринчи босқичда 2020 йил давомида фуқаролар соғлигига ва

жамиятга зиён етказмайдиган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турлари қисқартирилади. Тадбиркорлик субъектларидан ортикча ҳужжат талаб қилмаслик ва уларнинг вақт хамда маблағлари сарфла-нишини камайтириш учун тартиб-таомилларни содаллаштириш, тегишли ҳужжатларни бериш жараёни-рини тўлиқ рақамлашти-риш орқали шаффофликни таъминлаш ишлари амалга оширилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Ҳуқуқий саводхонлик «Миранда қондаси» талаблари

мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида қандай акс этган?

Бу дунёда яратилган қонун ва қондалар одамлар учун мустақкам бир ҳимоя бўлиб, ҳар бир кишининг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этиши, ҳамманинг тенглигини таъминлаб, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилади.

Конституциямизга кўра, барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Шу билан бирга, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинс, ирки, миллат, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Гап шундаки, АҚШнинг Аризона штати полицияси жиноятчи Э.Мирандани 1966 йил бир неча оғир жиноятни содир этган Эрнест Артуро Миранда номи билан боғлиқ "Миранда қондаси" ҳам ана шундай ҳужжатлар қаторига кирди. Гап шундаки, АҚШнинг Аризона штати полицияси жиноятчи Э.Мирандани 1966 йил бир неча оғир жиноятни содир этганликда гумон қилиб, ҳибсга олади. Шундан сўнг тергов жараёни бошланади. Аммо Мирандада сўроқ қилинишдан олдин гумонланувчи сифатидаги ҳуқуқлари тушунтирилмайди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Хуқуқий саводхонлик

«Миранда қондаси» талаблари

мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида қандай акс этган?

◀ (Бошланиши 1-бетда) Шу боис, Э.Миранда ўз хуқуқларини билмаган ҳолда, айбига икромлик тўғрисида кўрсатма беради. Бу кўрсатмалардан эса, унинг айбига икромликнинг исботи сифатида фойдаланилади. Оқибатда эса, Э.Миранда суднинг ҳукми билан жазога маҳкум этилади.

Кейинчалик Э.Миранданнинг 73 ёшли адвокати Элвин Мур томонидан АҚШ Олий судига шикоят тақдим этилади. Натигада Э.Миранда ўз хуқуқларидан хабардор қилинмай тергов қилинган учун суднинг ҳукми АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинади.

Суднинг айтиш шариқори тўғрисида қарор қилган мазкур юридик норма дастлаб АҚШ суд амалиётида «Миранда хуқуқлари» деб юритилади. Кейинчалик эса, халқаро хуқуқда «Миранда қондаси» номини олган.

«Миранда қондаси» талабига кўра, эндиликда ҳибсга олинган шахсга у сўроқ қилинишидан олдин гумонланувчи сифатидаги хуқуқлари қуйидаги мазмунда тушунтирилади. Яъни:

«Сиз сукут сақлаш хуқуқига эгасиз. Сиз берган кўрсатмаларнинг барчасидан судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, сиз давлат томонидан адвокат билан таъминланасиз. Хуқуқларингизни тушундингизми?»

Шу ўринда, хўш, «Миранда қондаси» ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида қандай акс этган, деган савол туғилиши табиий.

Бу ҳақда фикр юритганда, биринчидан, сукут сақлаш хуқуқи ҳақида тўхталиш лозим. Амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг 23-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбисизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Бошқача айтганда, миллий қонунчилигимизда сукут сақлаш ёки ҳеч қандай кўрсатма бермаслик хуқуқи айбисизлик презумпцияси тамойилига асосланган.

Сукут сақлаш хуқуқи, яъни ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар беришдан бош тортиш хуқуқи Жиноят-процессуал кодекснинг 48-моддасида қатъий кафолатланган.

Ушбу модда талабига кўра, гумон қилинувчи зиммасига кўрсатма бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Иккинчидан, миллий қонунчилигимизда мустақамланган шахс томонидан айтилган ҳар бир сўз ёки ҳатти-ҳаракат судда унга қарши ишлатилиши мумкинлиги ҳақида оғохлантирилиши хуқуқи билан «Миранда қондаси» мазмунан ўзаро яқиндир.

Жиноят-процессуал кодекснинг 46-моддасига асосан, шахс ўзининг кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши ва ниманда айбланаётганлигини

билиш хуқуқига эгадир. Шунингдек, ушбу моддада шахсга ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги кафолатланган.

Бундан ташқари шу кодекснинг 46 ва 48-моддаларига кўра, шахс, яъни айбланувчи ёки гумондор ўзига қўйилган айблов ё гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар бериш ёхуд кўрсатмалар беришдан бош тортишга ҳақлидир. Шунингдек, у кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш хуқуқига эга.

Учинчидан, миллий қонунчилигимизда кафолатланган адвокатга муносабат қилиш хуқуқи билан «Миранда қондаси» ўртасида ҳам ўзаро ўхшашлик мавжуд.

Жиноят-процессуал кодекснинг 46-моддасига мувофиқ, шахс ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб, ҳимоячига эга бўлиш ҳамда уchrашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда, у билан холи учрашиш хуқуқига эга ҳисобланади.

Тўртинчидан, миллий қонунчилигимизда ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилган шахсга ўз-адвоқатига ёки яқинликдаги бир марта кўнгироқ қилиш имкони берилиши кафолатланган.

Жиноят-процессуал кодекснинг 48-моддасига мувофиқ, шахс қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга телефон орқали кўнгироқ қилиш ёхуд хабар бериш, шунингдек, ҳимоячига эга бўлиш хуқуқига эга.

Бешинчидан, миллий қонунчилигимиз талабига асосан, агар ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилган шахснинг адвокат ёллашга имконияти бўлмаса, у давлат томонидан адвокат тайинланиши хуқуқидан фойдаланади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 50-моддасига биноан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимосига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланади.

Шунингдек, улар бу шахсни юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари давлат ҳисобидан қопланади.

Бошқача айтганда, «Миранда қондаси» ўзбекистоннинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида тўлалиги акс этган. Бу, ўз навбатида, жиноят содир этишда гумонланган ёки айбланган шахснинг хуқуқ ва эркинликларини поймол қилмаслик имкони беради.

Шунингдек, бундай шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи улар ушланган пайтдан бошлаб таъминланади. Натигада буларнинг барчаси тергов-суд жараёнидаги процессуал ҳаракатларнинг сифат даражаси янада ошишига ва инсон хуқуқлари сўзсиз таъминланишига хизмат қилади.

Ақром АРИПОВ, Олий суд катта консультанти



Жамиятимиз мақсади

Гендер тенглик

судьялар орасида ҳам таъминланиши чоралари кўришмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда) Турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари бўлган хотин-қизлар сони 2 минг 224 нафарга етди. Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл «Муътабар аёл» кўркак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди.

Юртимизда тadbиркор ва фермер хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўшимча кафолатлар берилди. Катта компаниялар ва нодавлат ташкилотлар ходимларининг умумий сонидаги хотин-қизлар улушида гендер тенглик деярли тўлиқ таъминланган. Шунингдек, тadbиркорлик субъектларининг 20 фоиздан ортиғига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида, мамлакатимизда «Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари» қабул қилинган. Ушбу соҳадаги 5-мақсад — гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг хуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Бу, ўз навбатида, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чораларни қамраб олади. Мазкур вазифаларни бажариш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалари, шунингдек, давлат аҳамиятидаги жамоат ташкилотлари масъулдирлар.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ва жамият бошқаруви оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини кенгайтириши таъминлаш лозим.

Зеро, улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга етарли даражада жалб этилмаганди. Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолаш, лавозимда кўтарилши масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонлари мавжуд эмас.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тўғрисида жамиятда мавжуд айрим салбий қарашлар эса, уларнинг сиёсий жараёнларда ўз фояларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йил Ўзбекистонга таширифи асносида мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш юзасидан қабул қилинган қонун

ва ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларга ижобий баҳо берган. Шу билан бирга, у Ўзбекистонда аёллар судьяликка кўпроқ жалб этилса, бу борада бошланган ижобий ислохотлар янада кўпроқ натижа беришини таъкидлаганди.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизнинг яқин тарихида Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқшунос аёллар алоҳида ўрин тутгани билан боғлиқ воқеалар БМТ Махсус маърузачисининг бу фикрини тасдиқлайди. Хусусан, узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Олий суди раиси бўлган, Марказий Осиёда жиноят ҳуқуқи фани асосчиси, юриспруденция бўйича илмий мақом олган биринчи ўзбек аёли — академик Ҳадича Сулаймонова, Ўзбекистон Адлия вазирлиги бўлган ҳуқуқшунос олима, профессор Мамлакат Восилова, Ўзбекистон Олий суди раиси бўлган профессор Ҳалима Муҳитдинова ва бошқа ҳуқуқшунос аёлларимиз Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик нуфузини оширишга катта ҳисса қўшган.

Тахлилларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами ишлаб турган 1 минг 206 нафар судьядан 1 минг 50 нафари эркаклар бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафар, яъни 12,9 фоизни ташкил қилади. Шундан:

- фуқаролик ишлари бўйича судларда — 88 нафар;
  - жиноят ишлари бўйича судларда — 27 нафар;
  - иқтисодий ишлар бўйича судларда — 23 нафар;
  - маъмурий ишлар бўйича судларда эса, 8 нафар аёл судьялар ишлайди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият олиб бораётган жами 62 нафар судьядан 15 нафари аёл судьялардир. Бу рақам 24,2 фоизни ташкил этади.
- Хорижий мамлакатларда ушбу кўрсаткичлар нисбатан юқори эканини таъкидлаш лозим. Хусусан, БМТ Европа иқтисодий комиссияси маълумотларига кўра, қуйидаги мамлакатлар аёл судьялар сони бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга:
- Латвия — суд тизимида ишловчи барча судьяларнинг 78,6 фоизи аёл судьялардан иборат;
  - Словенияда бу кўрсаткич — 78,4 фоизга тенг;
  - Руминия — 72,8 фоиз;
  - Хорватия — 70,6 фоиз;
  - Сербия — 70,5 фоиз;

Ўз навбатида, бу соҳада энг паст кўрсаткичларга эга мамлакатлар ҳам аниқланган. Буюк Британия суд тизимида ишловчи барча судьяларнинг 28,4 фоизи аёл судьялардан иборат бўлса, бу кўрсаткич Арманистондан — 26,1 фоизни, Канадада — 23,5 фоизни, Лихтенштейнда — 23,1 фоизни, Озарбайжонда эса, 11,9 фоизни ташкил этади.

Турли давлатлар амалиётида мазкур

кўрсаткичнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши, шубҳасиз, ушбу мамлакатларнинг ўзига хос тарихи, миллий менталитети, урф-одатлари, ривожланиш босқичи каби кўплаб омилларга боғлиқ, албатта.

Хорижий давлатлар суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш учун турли чора-тадбирларни амалга оширган. Мисол учун Бельгия, Италия, Ироқ, Йордания каби мамлакатларда судьялик лавозимига аёл номзодлар учун алоҳида гендерлик квоталари ажратилган.

Лекин Буюк Британия, Испания ва Франция давлатлари бундай гендерлик квоталарини жорий этишга қарши чиққан. Бунинг ўрнига улар олий юридик таълимга аёлларни кўпроқ жалб этиш, аёл судьялар учун турли шарт-шароитлар яратиш орқали гендер тенгликни таъминлаш маъқул деган ҳулосага келган.

Россия суд тизимида фаолият олиб борувчи судьяларнинг 66 фоизини аёл судьялар ташкил этади. Мутахассислар фикрича, бундай ҳолатнинг асосий сабаби — судьяликка номзодлар асосан суд аппаратида меҳнат фаолияти олиб борган судья ёрдамчилари ва котибларидан шаклланиши деб кўрсатилади. Чунки йиллар давомида судлар аппаратида ишлаган ушбу ходимлар суд тизими ва ҳужжатлар билан ишлаш жараёнини яхши билиб олинмади.

Гап шундаки, Россияда судьяларнинг ёрдамчилари ва котиблари лавозимларида асосан аёллар ишлайди. Ушбу лавозимлардаги ходимларга кам ҳақ тўланади, иш ҳажми эса, кўп. Шу сабабли, оиланинг асосий боқувчиси ҳисобланган эркаклар ушбу лавозимларга интильмайдилар.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш яна шунини кўрсатдики, кўплаб давлатлар суд тизимида аёл судьяларга гендер квоталари жорий этилишини қўллаб-қувватламайдилар. Бунинг асосий сабаби юриспруденция соҳасида аёл кадрларнинг етишмаслиги билан изоҳланади.

Шунга қарамай, бир қатор давлатлар судьяларни танлаш ва тайинлаш бўйича маълум органлар аъзоларини танлаш учун гендер квоталари тизимини жорий этишни маъқуллаган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши шундай орган ҳисобланади. Судьялар олий кенгаши тарихида, жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, 12 нафар эркак ва атиги 1 нафар аёл судья фаолият кўрсатмоқда.

Гендер тенгликни таъминлаш бўйича яна бир чора бу — судьяликка номзодларни тайёрлайдиган таълим муассасасига тингловчиларни қабул қилишда гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этишдир. Юртимизда бундай муассаса Ўзбекистон Республикаси Судья-

лар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабидир.

2021 йил 1 январидан бошлаб, судьялик лавозимига номзодлар фақат ушбу мактаб тингловчилари орасидан таъвсия этилиши кабул қилинган. Бундай муҳим чоралар, албатта, мамлакат суд тизимида аёллар сонини оширишга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликни таъминлаш бўйича механизмларни жорий этиш борасида берган топшириқларини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлис Сенатининг Гендер қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгаши томонидан алоҳида дастур қабул қилинди. Дастур мамлакатимизда аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги маъқенини ошириш, хусусан, аёл судьяларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Дастурда бу борада, жумладан, қуйидаги вазифалар белгиланган:

- суд тизимида гендер тенглик таъминланганлиги ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш;
- жойларда ҳуқуқшунос аёлларда судьялик касбига қизиқиш уйғотиш бўйича давра суҳбатлари ўтказиш;
- олий юридик маълумотга эга хотин-қизларни суд органларига кенг жалб қилиш;
- муқаддам судья бўлиб ишлаган аёлларнинг ҳужжатларини ўрганиб, мақсадга мувофиқ деб топилган номзодларни судьялик лавозимларига тавсия этиш;
- Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига гендер масаласига оид қоидаларни белгилаш;

● судларда иш ҳажмини камайтириш ва судьялар ўртасида иш ҳажмини адолатли тақсимлаш чораларини кўриш;

● аёл судьялар учун қулай меҳнат шaroити яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. Бу ўринда, жумладан, ёш боласи бор аёл судьяларга энгиллаштирилган меҳнат шароитлари, узайтирилган дами олиш вақти, қисқартирилган вақти белгилаш, аёллар учун қатъий бўлмаган иш вақтини белгилаш, тиббий таъминотини кучайтириш каби имтиёзлар назарда тутилган;

● суд тизимида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларга нисбатан иш жойларида таъйин қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва хотин-қизлар билан ўзаро муносабат маданиятини юксалтириш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиб бориш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида гендер тенгликка эришиш, ўз навбатида, хотин-қизларимизнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши таъминланади. Шу билан бир қаторда, бу йўналишдаги муҳим қадамлар соҳани жаҳон стандартларига мослаштириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Робохон МАХМУДОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Иш бермаган

ришга келгани, сиртки таълимга ўқишга кириш учун ҳужжат тайёрлаётганини айтганда, Бобораҳмат «Ўқишга киришингизга ёрдам берман», — дея ваъда беради.

Бирок Н.Шоимова имтиҳонлардан ўтолмайди. Шундан сўнг у Б.Ирискуловга кўнгироқ қилиб, омади келмаганини айтиди. Шунда Б.Ирискулов «Супер-контракт йўли билан талабалikka қабул қилинишингиз мумкин. Мен имкониятни қидириб кўраман», — дейди.

2019 йили август ойининг сўнгги кунларидан бирида Нафиса билан Бобораҳмат Самарқанд шаҳар Мирзо Улугбек кўчасида жойлашган виллоят кўп тармоқли шифохонаси олдига учрашади. Суҳбат чоғида Нафиса сиртки таълимда ўқиш учун контракт тўловини йигирма баравардан кўпроқ — 126 миллион сўм тўлаши зарурлиги, бунча пули йўқлигиндан ёзтиради.

— Сиз 3 минг АҚШ доллари берсангиз, мен «SHANZODA ULUGBEK SERVIS» маъсулияти чекланган жамиятига ҳисоб рақа-

мидан 126 миллион сўмни ўқинишга кўчириб берман, — дейди Б.Ирискулов гердайиб. Бу гапни эшитиб, Нафисанингни юзи ёришади, ўқишга киришга умид нишонаси пайдо бўлади.

— Фирманнинг қолган пулларини қандай қайтарман? — дея қизиқиш ва хавотир аралаш сўрайди у.

— Бунинг йўли осон, — дейди Бобораҳмат гапидан яна дадилланиб. — Сиз берадиган 3 минг долларни 126 миллион сўмдан чегириб ташлаймиз. Кейинчалик қолган пулларни йил давомида фирмага бўлиб-бўлиб қайтарасиз, ҳолос.

Хуллас, Нафиса бир ҳафта ичида 3 минг доллар билан университетнинг тўлов-шартнома варағини олиб келадиган, Бобораҳмат эса, ҳолат чикарадиган бўлади.

Талаба бўлишдек ширин орзу-хаёллар оғушида уйига қайтган Н.Шоимова икки бош қорамолини бозорга чиқаради. Кейин эса, тила тақинчоқларини сотади, жами 2 минг 200 доллар йўғади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Иккинчи босқичда эса, 2020-2021 йиллар давомида лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг паспортларини ишлаб чиқиш, айрим турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар беришнинг намунавий маъмурий регламентлари жорий қилинади. Шу асосда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони тубдан қисқартирилади.

Қайси фаолият турларига лицензия талаб этилмайди?

Лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасида 2021 йил 1 январдан бошлаб, қуйидаги ўзгаришлар кутилмоқда.

Биринчидан, лицензияланадиган фаолият турларидан 16 таси ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг 10 таси тўлиқ бекор қилинади. Мисол учун аудиторлик, фонограммаларни тайёрлаш, қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш, баҳолаш, ризэлторлик, юкларни автотранспортда республика ҳудудида ташиш фаолияти учун лицензия ҳамда хорижий ишчи кучларини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш хусусиятига эга ва шу каби бир қатор ҳужжатлар бекор бўляпти.

Иккинчидан, лицензияланадиган фаолият турларидан 24 тасини 9 тага ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг 21 тасини 10 та ҳужжатга бирлаштириш орқали уларнинг умумий сони 45 тадан 19 гага қисқармоқда. Масалан, йўловчиларни автобусда, енгил автомобилда ташиш учун ҳозирги кундаги лицензияланадиган 9 та фаолият тури 2 та турга, телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича амалдаги 10 та фаолият тури 4 та турга бирлаштирилмоқда.

Шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларидан 10 таси ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг 13 таси — жами 23 та ҳужжат бекор қилинмоқда. Бунинг ўрнига хабардор қилиш тартиби жорий этилмоқда.

Бунда хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият учун расмийлаштирилган лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиши муддатини узайтириш ва уларни қайта

расмийлаштириш жараёнида лицензия талабгорининг коммунал тўловлар бўйича, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлиги сабабли давлат хизматлари кўрсатишини рад этиш қатъиян тақиқланади.

Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини 3 кундан 10 кунгача қисқартириш белгиланмоқда. Эндикда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини 3 кундан 10 кунгача қисқартириш белгиланмоқда. Эндикда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини 3 кундан 10 кунгача қисқартириш белгиланмоқда.



Лицензия ва рухсат бериш соҳасидаги янгиликлар: тўрт долзарб саволга жавоблар

ларни ваколатли органлар ташаббуси билан тугатиш ва бекор қилиш фақатгина суд тартибидан амалга оширилади.

Соҳадаги ўзгаришлар қандай натижа беради?

Бу ўзгаришлар, аввало, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатланишига ҳамда фаолиятини янада кенгайтиришига имконият яратяди. Шу билан бирга, лицензия ёки рухсатнома оқшунларда ёзилмаган, лекин амалиётда мавжуд "қоидалар"га тўлиқ барҳам берилади. Албатта, тадбиркорларнинг қимматли вақти ҳамда маблағлари тежалишига ҳам эришилади.

Фармонга мувофиқ, ваколатли органлар томонидан лицензиялар бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни қайта

биркорлик субъектини лицензия ва рухсат беришга доир талаб ва шартларда назарда тутилган ҳақ эвазига бошқа турдаги хизматлардан фойдаланишига ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олишига бевосита ёки билвосита мажбурлаш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Лицензияланадиган фаолият билан шуғулланадиган, Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларнинг шу вақтга қадар тегишли лицензияни олмасдан фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи бекор қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатда тадбиркорлар ўртасида тенг, соғлом рақобат муҳитини таъминлаш орқали маҳсулот ва хизматлар сифатининг ошишига хизмат қилади.

Лицензиялашда очиқлик, тезкорлик қандай таъминланади?

2021 йил 1 январдан бошлаб, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнлар босқич-ма-босқич тўлиқ электрон тарзда "Лицензия" ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бу янгилик мазкур жараёнларда очиқлик, ошқоралик таъминланишига, коррупция ҳолатларининг олди оли-

• ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ва ҳоказо.

Лицензиялар фаолиятини назорат қилишнинг мутлақо янги ва юқори самарали бўлган усули — жамоатчилик назорати ўрнатилди. Тадбиркорлар ўртасида тенг шароитлар яратиш, ноқонуний фаолият юритишга барҳам бериш мақсадида, фаолият лицензиясиз, рухсатномасиз ёки хабарнома юбормасдан амалга оширилган факти ҳақида хабар берган жисмоний шахслар ундирилган жариманинг 10 фоизи миқдоридан пул муқофоти билан рағбатлантирилиши белгиланмоқда.

Қонунчиликда қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

Қонунчиликдаги тарқоқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хилда ва изчил бўлишига эришиш мақсадида, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларни бирлаштириш белгиланмоқда.

Бу орқали лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларидан ўтишининг ягона ва шаффоф тартибини ўрнатишга ва ушбу жараёнда ваколатли орган ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатда бўладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ягона тизими жорий қилинишига қаратилган янги ҳуқуқий нормалар қонунчиликка киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, жорий этилаётган тартиб-таомиллар бугунги пандемия шароитида тадбиркорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолияти учун зарур барча шароитларни яратишга қаратилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга, ортиқча бюрократик тўсиқлар ҳамда эскирган тартиб-таомилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Абдугани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш — одил судловга эришиш имконини оширади

◀ (Бошланиши 1-бетда)



— Мен эътиборларингизни қарор билан тасдиқланган 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш Дастури ҳамда судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича "Йўл харитаси"га қаратмоқчиман. Ушбу иккита ҳужжат кенг қўлмалли вазифаларни қамраб олган бўлиб, мамлакатимиз суд органлари фаолиятини рақамлаштириш истиқболини белгилаб беради.

Дастурнинг 10-бандида Судьялар олий мактабида симуляция суд мажлиси залига суд мажлисини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиш ҳамда видеоконференцалоқа тизимини жорий қилиш орқали суд мажлисларини ўтказишнинг ўқув ва намоёйиш этиш имкониятини яратиш масаласи назарда тутилган. Бунинг учун Олий мактаб кафедралари тўртта суд йўналиши бўйича тингловчилар иштирокида суд процессларини профессионал даражада доимий равишда ўтказиб бориш амалиётини йўлга қўйиши керак.

Бундан ташқари, Дастурнинг 13-бандида профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг маънавиятини ошириш курслари тингловчиларнинг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўз ичига олган Судьялар олий мактабининг ахборот тизимини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Ушбу вазифанинг ижро этилиши натижасида Судьялар олий мактабининг иш самарадорлиги тубдан ортади.

Шунингдек, Дастурда 2021 йил 1 январдан бошлаб, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятини, жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қўлайлик яратиш мақсадида, 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб, суд ишларини давлат арҳивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш; судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби муҳим вазифалар ҳам белгиланган.

Ушбу ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо белгилаб, тайинланган жазоларни қисман қўйиш йўли билан узил-кесил беш йил икки ой мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Суд ҳукми билан судланувчи Б.Ирискуловдан жабрланувчи Н.Шоимова фойдасига 22 миллион 332 минг 200 сўм пул ундирилганлиги бўлди.

Хулосага тўхталмиш, ортиқча изоҳ беришга, назаримизда, ҳожат йўққа ўхшайди. Негаки, ўзгалар ҳисобидан кун кўришга уринувчи фарибгар кимсалар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам уларнинг бўлмаслигига ҳеч қим кафилик беролмайди.

Биз баён этган жиноят ишидаги Н.Шоимова сингари алдов қурбонига алданмасликнинг ягона йўли бу — эҳтиёткорлик. Шундай эмасми?!

Фаррух САМАТОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" муҳбири

мамлакатларда ахборот-коммуникация технологиялари орқали суд органлари фаолиятини рақамлаштириш самарали йўлга қўйилган. Бу каби илғор технологияларнинг судлов органлари фаолиятига жорий этилиши натижасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларнинг электрон шаклда тақдим қилиниши; манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб борилиши мумкин бўлади.



— Қарорда суд органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича янги қадамлар қўйилган. Суд органлари фаолиятини рақамлаштириш — бу судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, деганидир.

Рақамлаштириш биринчи навбатда, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний талабларини ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳар қандай иш бўйича асосли ва адолатли суд ҳужжатларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Нима учун деган табиий савол туғилади.

Биринчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тартиби жорий этилади.

Демак, судья иш кўраётган жараёнда процессуал ҳато ва камчиликларга йўл қўйса, бу ҳам ойдинлашади. Шунинг учун ҳар бир ишга жуда катта тайёргарлик билан кирилади ва имкон қадар хатога йўл қўймаслик чоралари кўрилади.

Иккинчидан, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан:

• мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имконияти кенгайтирилиши;

• иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти яратилиши;

• 2021 йил 1 октябрдан бошлаб, барча иштирокчилар суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" хабар орқали бепул асосда хабардор қилиниши;

• 2022 йил 1 январдан бошлаб, суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса, қоғоз шаклида тақдим этилиши;

• муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумот ва ҳужжатлар, фуқароларни овозга қилмаган ҳолда, судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотлардан электрон шаклда олиниши белгиланган.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳамда суд мажлиси иштирокчиларининг ортиқча овозгарчиликнинг олдини олиш ва сарф-харажатлари тежалишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти шароитида адолатли қарор топтириш суд идоралари орқали амалга оширилади экан, суд органлари фаолиятини рақамлаштириш долзарб аҳамият касб этаверади. Шу нуқта назардан, Президентимизнинг янги қарори суд органлари фаолиятида қўйлаётган туб ўзгаришлар учун маътаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Давра суҳбатини Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Маълумки, оддий фуқаро жиноятга қўл урса, у қонунни билмагани, қилмишининг ҳуқуқий оқибатини тушунмаганини асосий ваз сифатида келтиради. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишлаган ёки ишлайдиган шахсларнинг жиноятга қўл уришини ҳеч қандай ваз билан оқлаб бўлмайди.

Олтиариқ туманида яшовчи Нуриддинжон Абдуманнопов 2005

Қилмиш-қидирмиш

Сохта валюта машмашаси

ёхуд банкда фош бўлган «сир»

йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ портловчи моддалар, портловчи ускуналарни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш

бўйича махсус отрядининг Андижон ҳудудига хизмат кўрсатувчи махсус гуруҳи бошлиғи лавозимига тайинланганида ҳаммининг унга ҳава-

си келганди. Айниқса, яқинлари, дўстлари у билан фахрланишарди. Аммо...


(Давоми 4-бетда) ▶

алдов

2019 йил 7 сентябрь куни соат ўн еттиларда Самарқанд шаҳар, Даҳбед кўчасида жойлашган "Банк коллежи" биноси олдида Б.Ирискуловга шу маблағни беради. Сўнг 16 октябрь куни университет бухгалтериясига бориб, тўлов-шартнома варақаларини олади, уларни ҳам Б.Ирискуловга топширади.

Орадан йигирма беш кун ўтди ва 6 ноябрда улар шаҳарнинг университет хиббониди учрашилади. Б.Ирискулов Нафисага "SHANZODA ULUG-BEK SERVIS" масъулияти чекланган жамият томонидан тўлдирилиб, раҳбари С.Холёров имзоси қўйилган ва муҳр босилган тўлов-шартнома варағи ҳамда масъулияти чекланган жамиятнинг 126 миллион 976 минг сўм кўчирилгани ҳақидаги маълумотномани беради.

Тўлов-шартнома варағи ҳамда маълумотномани олган Нафиса Бобораҳматга қайта-қайта миннатдорчилик билдиради ва уларни университет бухгалтериясига топширади. Бухгалтериядагилар "пуллар



тушин, биз сизга кўнгирик қиламиз", деб қўл телефони рақамини ёзиб олиб қолганди. Аммо орадан бир неча ҳафта ўтса-да, Нафисага кўнгирик бўлмайди. Шундан сўнг унинг ўзи университет бухгалтериясига боради.

Нафиса топширган тўлов-шартнома бўйича университет ҳисоб рақамига бир сўм ҳам пул тушмаган экан. Бундан ташқари ҳамда Нафисага дарҳол Б.Ирискуловга кўнгирик қилади.

— Сиздан узр сўрайман, — афсус оҳангига жавоб қайтаради Б.Ирискулов. — Битта рақам нотўғри ёзилган экан, шу сабаб пул тушмай қолди. Қайтадан яна шартнома варақаси олиб бериш, ишни тезда ҳал қиламан. Н.Шоимова яна бошқа шарт-

нома-тўлов варағи нуҳасини олиб, Б.Ирискуловга етказди. Қир неча кундан сўнг кўнгирик қилиб, Бобораҳматдан "натижа нима бўлди?", — деб сўрайди. Бу гал Б.Ирискулов "Банк ишламаяпти", деган жавоб билан қутулади.

Шу тариқа Б.Ирискуловнинг баҳоналари қўлайгандан-қўлайи бораётганиди. Нафисанин ўқишига тўланиши лозим пулни эса, асло дарағи йўқ эди. Қайта-қайта кўнгирик қилавериш, асаблари толиқиб кетган Нафиса бора-бора Бобораҳматга бўлса керак, алдандим деб ўйлайди ва ички ишлар идорасига мурожаат қилади.

Мазкур жиноят ишини судда мазмунан кўриш жараёнида ҳақиқий ҳолат тўлиқ ойдинлашди.

Судланувчи Б.Ирискулов Самарқанд давлат университетининг тўлов-шартнома асосида мутахассис тайёрлашга 2019 йил 16 октябрда тузилган 6343-сонли шартнома варағини олиб, унга ва 154-сонли тўлов топшириқномасига гўёки Н.Шоимованин ўқиши учун университет ҳисоб рақамига 126 миллион 976 минг сўм пул маблағлари кўчирилганлиги тўғрисида масъулияти чекланган жамиятнинг муҳрини босган.

МЧЖ директори С.Холиёровнинг имзосини қалбақлаштириб қўйган. Сохташтирилган ана шу тўлов-шартнома ва тўлов топшириқномасини жабрланувчи Н.Шоимовага берган. Содда ва ишонувчан Н.Шоимова уларни университет бухгалтериясига топширган.

Судда судланувчи Б.Ирискуловнинг жиноят содир этишдаги ҳолатлари тўлиқ муҳокама қилинди. Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқлаштирилди.

Жабрланувчига нисбатан етказилган зарар қопланмаган. Шу сабабдан Н.Шоимованин судланувчига нисбатан даъвоси борлиғи эътиборда тутилди. Суд судланувчини жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деган хулосага келди.

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, қарз шартномаси билан бирга гаров шартномаси тузилган бўлса, қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда, гаров мулкни кредиторга ўтказиши ёки йўқми?



— Амалдаги қонун талабларига кўра, гаров шартномаси мажбурият бажарилишининг кафолати сифатида тузилади. Қарздор ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, кредитор ўз талабларини гаров мулкни оқибатда қонун талабидан кўра, шахсий манфаатини устун қўйиб, унинг фикри хаёлини банд этиб олган бу иллат беиз кетмади, 2015 йилда фирибгарликка суикасд қилиш жиноятига қўл урди. Энг ачинарлиси, Н.Абдуманнопов шундан сўнг ҳам фирибгарликдан тийилмади. Натихада 2016-2017 йиллар мобайнида яна 4 марта фирибгарлик жиноятини содир этгани учун қонун олдида қарз суммаси савдолардан тушган пуллардан кредиторга берилди.

Лекин, тарафлар ўртасида низо чиқиб, ушбу низо суд оқибати ҳал қилинган тақдирда, суд қарз пулларни ундириш ва ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бу деганики, суднинг қарори қонуний кучга кириб, мажбурий ижрога қаратилганда, ижро ҳужжатига асосан давлат ижрочиси томонидан гаровга қўйилган мулк аукцион савдоларига чиқарилиб, суднинг қарори билан ундирилган қарз суммаси савдолардан тушган пуллардан кредиторга берилди.

— Кафиллик нима, у қандай тарзда тузилади ва қиммат кафил бўла олади?

— Кафиллик — қарздор мажбуриятларининг бажарилиши учун учинчи шахс — кафил жавобгар бўладиган ҳуқуқий муносабатдир. Мазкур ҳолатда "жавобгар бўлади" деган ибора фақат мулкий жавобгарликни назарда тутаяди ва у қарздор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида кафилда жавобгарликни вужудга келтирилади. Бошқача қилиб айтганда, агар қарздор ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тўлиқ бажармаса, кафил



қарздорнинг мажбуриятларини бажаришга мажбур бўлади.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.

Кафиллик асосий шартнома бўлиши кафил ва кредитор ўртасида тузиладиган шартномага асосан вужудга келади.

Кафиллик шартномаси субъектларини чекламайди, шунинг учун томонлар сифатида қандай шахслар бўлиши мумкин. Бу ҳолда, юридик шахслар кафил сифатида чиқишлари мумкин, агар бу қонун ҳужжатларига, уларнинг таъсис ҳужжатларига ва фаолиятининг мақсадларига зид бўлмаса.

Саволларга Олий суд судьяси Фироз ТУРСУНОВ жавоб берди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан ҳамкорликда қайта ишланган ва тўлдирилган "Давлат тилида иш юритиш" амалий қўлланмаси тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири Абдуғаффор Қирғизбоев, адабиётшунос олим Шўхрат Ризаев, филология фанлари доктори Абдулҳай Собиров ва бошқалар бугунги кунда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилаётганини эътироф этди. Замон шиддат билан ривожланиб, тараққий этаётган бир пайтда айнан бу китобга эҳтиёж борлиги таъкидланди.

— Давлат тилининг нуфузи ва унинг кадр-қиммати учун курашиш ҳар бир давлатнинг ривожланишида миллий манфаати ҳисобланади, — деди филология фанлари доктори Низомиддин Маҳмудов. — Бугун мамлакатимизда Давлат тили ҳақидаги масала давлат сиёсатининг ҳақиқий ўзагига

Она тилим — олтин сандиғим

«Давлат тилида иш юритиш» қўлланмаси орадан 8 йил ўтиб қайта чоп этилди

айланди. Шунинг натижасида ҳам Ўзбекистонда юритилаётган тил сиёсатини холис тил сиёсати, дея аташ мумкин. "Давлат тилида иш юритиш" амалий қўлланмасининг илк нашри 1990 йил чиққан. Ундан кейин чоп этилган китоблар ҳам ўз даврида муҳим қўлланма ҳисобланган. Аммо замон янгиланиш, ўзгаришга томон юз бургандан сўнг бу қўлланмининг ҳам янги ва мукамал нашрига эҳтиёж бор эди.

"Ўзбекистон" нашриётида 3 минг нусхада чоп этилган қўлланма ташкилий ҳужжатлар, фармойиш ҳужжатлари, маълумот-ахборот ҳужжатлари ва хизмат ёзишмалари бобларидан иборат.

— Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чорат-тадбирлари тўғрисида"ги фармони давлат тили мақоми, нуфузини тубдан оширишга, мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, — деди филология фанлари доктори Ёркинжон Одилов. — Бугун тақдимоти ўтказилаётган китоб ушбу сазй-ҳаракатларнинг натижаси, десак, муболаға бўлмайди. Китоб ора-

дан 8 йил ўтиб қайта чоп этилди. Шу ораликда жамиятда рўй берган ислохотлар туфайли иш юритишда қўлланилмайдиган, бугунги кунда эҳтиёж бўлмаган ҳужжатлар қўлланмага киритилмади. Маълумотлар қайта ишланди, тўлдирилди, тахрир қилинди. Энг муҳими, фойдаланувчига янада тушунарли ва ҳар бир мисранинг мазмундор бўлиши учун ҳаракат қилди.

Қўлланмада ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланиладиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиб-қоидаларига алоҳида эътибор қаратилган. Иш юритишга оид лўғат берилган.

Қўлланма, аввало, ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларига, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устида ишловчилар, котиб-референтлар, кадр хизмати ходимларига мўлжалланган. Ундан ҳисобчилар, адлия маслаҳатчилари, аудитор, менежерлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дилобар МАМАТОВА, Ўза мухбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 30 июнда одил судловни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги маърузаси ҳамда жорий йил 24 июлда қабул қилган "Суд-

Судьяни вазифага тайинлашда замоннинг илгор талаблари, усул ва услубларига суянмоқ, ибратли мезонларга амал қилмоқ, устоз-шоғирдлик анъаналарини янада қучайтирмоқ зарур. Устозларнинг бой ва теран ҳаёт йўли, иш услублари, ибратли тажрибалари ҳамда

Хабар

Ҳалолликда ҳикмат кўп

лар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир тўғрисида"ги Фармони бу соҳада муҳим қўлланма, амалий иш учун кафолатли дастуриламал эканлиги баён этилди. Коррупция ҳолатлари юзага келган жойда ҳалоллик, поклик, холислик, қонунийлик, меҳр-оқибат сингари неъматларга пўтур етиши алоҳида уқтирилди. Юксак маънавият инсон, жумладан, суд ходимини ҳам теран масъулият сари етаклайди. Адолат, холисликни фаолиятининг мезони деб билган судья ҳеч маҳал ўзга бировнинг таъсирига тушмайди.

тўпланган анъана ва удумларни хозирда суд тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ходим онгига жо этиш хусусида жиддий бош қотириш шарт.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари бўйлаб видео-селектор алоқа режимида ўтказилган мазкур мулоқотда кенг жамоатчилик вакиллари, соҳа фахрийлари ҳам иштирок этилди ва қимматли фикр-мулоҳаза, талаб, таклиф, тавсияларни ўртага ташлади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти — Нукус шаҳрида ҳам шундай очик мулоқот бўлиб ўтди.

Абдулла СОБИРОВ, "Куч — адолатда" мухбири

Кўзгудаги доғ

Муқаддас китобларда инсонга зарар келтирувчи ҳар бир нарса, айниқса, улўғ неъмат аталмиш ақлини заифлаштирувчи спиртли ичимлик ҳаром ҳисобланади.



Маълумки, ичкиликбозлик инсоннинг қалбини қорайтирадиган, уни ақлдан бегона қиладиган иллатдир. Бу иллатга ўз вақтида чек қўйилмаса, асорати оғир оқибатларга олиб келиши аниқ.

Буни қўйидаги ҳаётий мисоллар ҳам тасдиқлайди. Шахрисабз туманига қарашли Чоршанбе кўрғониде яшовчи (исм-шарифлар ўзгартрилди) Шокир Бегматов ўша кеч тўйдан бўкканича ичиб олган ҳолда, катта кўчада бақир-чақир қилиб, йўловчиларни ноҳўя сўзлар билан ҳақоратлаётган пайтда уни тинчлантиришга ҳаракат қилган туман ички ишлар бўлими ходимларига нисбатан ҳам кўр-кўрона қаршилик кўрсатади.

Шундан сўнг ичкилик таъсирида одамийлик қиёфасини мутлақо йўқотиб қўйган Ш.Бегматов ҳуқуқ посбонлари томонидан ички ишлар бўлимига олиб келинди.

Айтиш жоизки, одатда, инсон ёши бир жойга боргач, беҳуда гап-сўзлардан, айниқса, ичкиликдан ўзини йироқ тутайди. Ота сифатида оиласи, фарзандларига ҳар тарафлама ибрат мактабини ўтади. Умрини эзгу ва ҳайрли ишларга бағишлаш барибарамида, кўнгил хотиржамлигида эришишга ҳаракат қилади. Бироқ мақоламизнинг иккинчи "қахрамон"и тоза либосга теккан қора доғ каби хунук ҳолатни келтириб чиқаради. Буни доимо ёдда тутиш лозим.

Умиджон МЕҲМОНАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг раиси Хуршид СУЛТОНОВ, "Куч — адолатда" мухбири

Аниқроғи, шу йилнинг кўклам ойда маҳалла ахлини тозаласанки жалб қилиб, кўчаларни айлиниб юрган маҳалла раиси Лобар Нарзуллаева ва кўчалари Анвар Муродовларга маст ҳолатдаги бу кимса алланималарни баҳона қилиб, уларни ҳақоратламаган, шаънини топтаб, обрўсизлантирмаган бўларди. Аммо ичкилик туфайли эс-хушини йўқотган А.Самадов ўз хизмат вазифасини ўтаётган маҳалла вакиллари кишлоқ ахли олдида куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди. Бу дилдор кимсанинг қилмишларидан қаттиқ ранжиган Л.Нарзуллаева ва А.Муродовлар бу ҳақда туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилишди.

Суд ҳуқуқбузарлар Ш.Бегматов ва А.Самадовларнинг кирдикорларини атрофлича муҳокамасида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-ва 195-моддалари билан айбдор деб толган ҳолда, уларнинг ҳар бирига нисбатан маъмурий қамоқ жазосини тайинлади. Бу кўнгилсиз воқеалардан шундай хулоса қилиш керакки, одам боласининг ўз-ўзини идора қила олмаслиги фақат ичкилик ёки бошқа кучли руҳий таъсир кўрсатадиган психотроп моддалар орқалигина содир бўлиши мумкин. Шундай экан, хушёрлик — одоб зийнатидир. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

Латофат ЗАЙНИДДИНОВА, Шахрисабз тумани маъмурий судининг раиси Абдунаби БОБОЁРОВ, "Куч — адолатда" мухбири

частларини олганди. Аммо пулини ҳалиям бергани йўқ. Ўша йилги қалбаки доллар ташлаб кетган. Шундан кутулишим керак, — дейди у ва ўзида сохта 23.900 АҚШ долларини борлигини айтади.

Аслида бу гапни эшитгач, Н.Абдуманнопов эски танишига қонуний йўл кўрсатиши лозим эди. Бироқ у ушбу муаммонинг ечими тариқасида Баходирга ноқонуний бир таклифни билдиради.

Бинобарин, Х.Тешаева 2019 йил 26 март куни 50 купюрадаги 100 дона — 5000 АҚШ долларини микродоридеги сохта валютани Ҳаётхонга беради. Ҳ.Исақова эса, пуллари ундан олиб, ўзидан ҳақдор бўлган таниши Ҳалимагон Холматовга қарзи эвазига тилхат асосида қайтаради. Бироқ Ҳалимагон валютани кўлига олгач, унинг ҳақиқийлигига шубҳаланиб қолади. Шунинг учун

тинг, — дейди у жаҳл билан. Бинобарин, Н.Абдуманнопов Х.Тешаевадан сохта долларларни қайтариб олади. Қолаверса, Андижондан — Б.Расуловдан қолган 8900 АҚШ долларини ҳам олиб келади. Сўнгра қалбаки валюталарни салкам бир ой уйда сақлайди. 2019 йил 24 апрель куни уларни Бош Прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Кўкун шаҳар бўлимига олиб бориб топширади. Оқибатда Баходир иккисига нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаган суд эса, судланувчиларни Жиноят кодексининг 176-моддаси 3-қисми "а"-банди билан айбдор деб топиб, озоликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этади. Албатта, Н.Абдуманноповга жазо тайинлашда суд жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2017 йил 24 мартдаги ҳукмига асосан тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2018 йил 4 декабрдаги ақримиға мувофиқ алмаштирилган ахлоқ тузатиш иши жазосини ҳам инобатга олади.



Сохта валюта машмашаси

ёхуд банкда фош бўлган «сир»

— Долларларингизни Қирғизистондан телефон олиб келиб сотадиган савдогарларга ўтказиб юборамиз. Шунга нима дейсиз?

Албатта, бу таклиф Б.Расуловга маъкул тушади. Шу боис, у ўзида сақланаётган қалбаки 15.000 АҚШ долларини Н.Абдуманноповга беради. Н.Абдуманнопов эса, сохта валютани Фарғона туманининг Чимён қишлоғида яшовчи таниши Хуршида Тешаевага беради. Шу билан бирга, Н.Абдуманнопов Х.Тешаевага ана шу пуллар эвазига Қирғизистондан товар олиб келиб берадиган одам топишни тайинлайди. Лекин берган валютаси қалбаки эканлигини айтмайди.

Шундан сўнг Хуршида сохта валютани салкам 2 ҳафта ўзида сақлайди. Аммо уяли телефон келтириб берадиган ҳамкор тополмайди. Ана шундай кунларнинг бирида у ўзидаги валютадан таниши Ҳаётхон Исақовга 5000 АҚШ долларини микродориде қарз бериб туришга Н.Абдуманноповдан изн сўрайди.

— Жума куни қайтаришига кўзингиз етса, бераверинг. Чунки бу пуллар икки кишининг ўртасидаги маблағ, — дейди Н.Абдуманнопов.

бунга ойдинлик киритиш мақсадида, эртаси куни "Агробанк"нинг Олтиариқ тумани филиалида 4 дона 50 купюрадаги АҚШ долларини текширилади. Текширув жараёнида эса, тақдим этилган АҚШ долларлари қалбаки эканлиги аниқланиб, банк ходимлари бу ҳақида туман ИИБга хабар беришади. Пировардида Х.Холматовдан ана шу 4 дона ва ўзида бўлган 96 дона 50 купюрадаги жами 5000 қалбаки АҚШ долларини холислар иштирокида далилий ашё тариқасида олинади.

Шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан терговга қадр текширув олиб борилади. Яъни 2019 йил 28 март куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари келиб, Хуршида Тешаеванинг уйини кўздан кечиради. Ходимлар кетишгач, Хуршида дарҳол Н.Абдуманноповга кўнғироқ қилади.

— Ташлаб кетган долларларингиз қалбаки экан-ку?! Ички ишлар ходимлари келиши, уйини текшириб кетиши. Мени жуда ноқулай аҳволга солиб қўйдингиз. Бунақа ишларингизга умуман мени аралаштирманг, қалбаки пулларингизни олиб ке-

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Икром МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтўрин ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқса тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-923. Қроғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5090. 1 2 3 5 6 Топшириш вақти: 22:00. Топширилди: 23:00.